

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ**

Махмудова М.М.

**РАЗВИТИЕ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Махмудова М.М.

**DEVELOPMENT OF HIGHER MEDICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN**

Makhmudova M.M.

*Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали*

*Высокообразованные медицинские кадры играют основную роль в развитии здравоохранения в Узбекистане. Их подготовка осуществляется в Ташкентской медицинской академии и еще в 6 вузах страны. В годы независимости стали выпускать ВОП, магистров, медсестер с высшим образованием. Многие молодые врачи прошли стажировку за рубежом. Кадры средней медицинской квалификации готовят профессиональные колледжи.*

**Ключевые слова:** академия, институт, колледж, бакалавр, магистр, кандидат наук, доктор наук, врач общей практики, клинический ординатор, медсестры с высшим образованием и т. д.

*Highly educated medical personnel play the main role in the development of health care in Uzbekistan. Their preparation is carried out in the Tashkent Medical Academy and in six higher educational institutions of the country. In the years of independence, they began to train GPs, masters, nurses with higher education. Many young doctors passed internship abroad. Staff of secondary medical qualification prepares professional colleges.*

**Key words:** academy, institute, college, bachelor, master, candidate of science, doctor of sciences, general practitioner, clinical resident, nurses with higher education, etc.

Мустақиллик арафасида Республикада врачлар сони кераклигидан ортиқча деган нотўғри фикр бор эди. Натижада олий ўқув юртларига қабул қисқартирилди, демак бир неча йилдан кейин битирувчилар сони ҳам кам бўлиши табиий эди. БССТ маълумотларига қараганда 1991 йилда дунёда ҳар 10 минг кишига 15,8 врач тўғри келса, 1996 йилда — 22,9, 2001 йилда — 7,6 га пасайиб, ниҳоят 007 йилда 12,8 га кўтарилган. Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги ўртача кўрсаткичи Марказий Осиё ва МДХ давлатлари даражасига яқин — 12,0 ва Европа иттифоқи мамлакатлари — 10,4 дан биров устун бўлган [13].

Илгари олий ўқув юртларига қабул қилишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар кесимида ўрин (квота) белгиладиларди. 1993 йилда тест имтиҳонлари жорий қилиниши ва пуллик таълимнинг киритилиши билан мазкур тартиб ўзгарди. Энди таълимни шартнома асосида ўтаган ёш мутахассислар учун шаҳарда қолиб ишлаш имкониятлари эшиги очилди. Натижада кадрлар билан таъминлашда географик номутаносиблик ҳолати юзага келди. 2010 йилда ҳар 10 минг аҳолига Республика шаҳарларида ишлаётган врачлар ўртача 36,5 ташкил этган бир вақтда, қишлоқ врачлари — 19,5%, яъни 2 марта кам эди [14]. Мутахассисларнинг кичик шаҳарлар ва қишлоқлар ҳамда марказдан узоқ жойларда ишлашни хохламасликлари бунга асосий сабаб эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармонида биноан республиканинг турли ҳудудларида 16 та университет ва пойтахт олий ўқув юртларининг бўлимлари очилди. Янги ўқув юртлари қаторида 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг (ТошДавТИ) Урганчда, 2-ТошДавТИнинг Фарғонада ва ТошПТИнинг Нукусда бўлимлари очилди. 1995 йилда бўлимлар жойлардаги университетлар таркибига “Тиббиёт маркази” номи билан қўшилди. 1997 йилда “Таълим тўғрисида” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилингандан кейин, 1998 йилдан тиббиёт марказлари мустақил филиал сифатида фаолият кўрсата бошлади.

1998 йилдан тиббиёт таълим тизимида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бошланди. Умумий амалиёт шифокори дипломини олган бакалаврлар ҚВП ва оилавий поликлиникаларда ишлашлари, 46 та йўналишда таълим олган магистрлар

эса хирург, кардиолог, офтальмолог, невролог, инфекционист ва бошқа тор мутахассислар лавозимларида ихтисослашган клиникалар, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларида фаолият кўрсатишлари керак эди.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 19 июлдаги “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида”-ги 3629-сонли Фармони билан янги ўқув юрти очилди. Унга биринчи ва иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг бинолари, талабалари ўқитувчилари билан бир қаторда филиаллари ҳам ўтказилди. Академия жамоаси зиммасига аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини кўтарадиган ва соғлиқни сақлаш тизими таркибини такомиллаштирадиган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юкланди.

2012 йилга келиб, академияда 4662 талаба тахсил оларди. Магистратурада 735 ва клиник ординатурада 205 нафар мутахассислар ўқирди. УАШ тайёрлаш 58 та кафедрани амалга оширилди. Академия ходимлари орасида 2 нафар академик, 97 — профессор, 183 — доцент, 357 — ассистент ўқитувчилар бор эди. Фан докторлари — 176 ва номзодлар сони — 396 тани ташкил қиларди. Ўқув юрти илмий салоҳияти 70,2% га тенг бўлиб, белгиланган вазифаларни бажаришга қодир эди [14].

Ўқув юртида кенг ҳажмда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб бориларди. 2005-2012 йилларда 64 фан докторлари ва 388 номзодлари тайёрланди. Академия қошида “Экология ва инсон саломатлиги мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва мониторинги” кенгаши очилди. Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида 18 та амалий, 3 та фундаментал, 2 тадан инновацион ва ёшлар лойиҳалари бўйича 25 та мавзуларда илмий изланишлар олиб борилиб, уларда 160 дан ортиқ ходимлар қатнашардилар. Шу билан бир қаторда академия қошида илмий даража берадиган 7 та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатарди [14].

Давлат бюджетидан ажратилган 70 миллиард сўм маблағ эвазига академиянинг бош биноси ва 1750 ўринли ётоқхоналар қайта таъмирланди, “Шифокор” спорт мажмуаси ва академик лицей биноси барпо этилди. Ўқув юрти қошида талабалар учун 2 та қишлоқ врачлик пунктлари

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

(ҚВП) ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати станциялари модуллари, олий малакали ҳамширалар тайёрлаш ва клиник фанлардан имтиҳонларни объектив тизимлаш (ОСКЭ) марказлари, педиатрия ва ўқув амалиётини ўзлаштириш лабораториялари ишлаб туради.

Академиянинг Фарғона филиали нисбатан кичик бўлиб, санитария-гигиена йўналишида мутахассис тайёрларди. 2012 йилда бу ерда 279 талабага 48 ўқитувчилар сабоқ беришган. Ўқитувчилар орасида 7 фан докторлари ва 17 фан номзодлари ишларди [3].

Чорак аср давомида Урганч филиали 3 мингга яқин ёш шифокорларга диплом берди. 2015 йилда филиалга “Жайхун” мажмуаси ўқув биноси сифатида ажратилди ва у давлат бюджетидан 52 миллиард сўм эвазига қайта таъмирланди. Шу даврда филиалдаги даволаш, педиатрия, тиббий-педагогика, олий малакали ҳамшира тайёрлаш факультетларида 1017 тахсил оларди. Жамоада ишлаётган 145 ўқитувчилар орасида 17 фан доктори ва 52 фан номзодлари бор эди [5].

Ўқув услубий ёрдам бериш учун филиалга Урганч ва Хива шаҳридаги тиббиёт коллежлари ҳамда Ҳазорасп академик лицейи бириктирилди. Филиал жамоаси вилоятдаги 19 ҚВПларга амалий ёрдам кўрсатарди. Шу билан бир қаторда тиббиёт муассасаларида жойлашган 13 та клиник кафедралар ходимлари беморларга ташхис қўйиш, даволаш ва зарур маслаҳатларни беришда фаол қатнашарди. 6-7 курс талабаларининг 85% амалиётни Урганч шаҳар ва туман, Янгибозор ва Янгиариқ туманлари тиббиёт муассасаларида ўтардилар [5].

Жамиятда илм-фанни марказий ва йирик шаҳарларда ривожлантириш мумкин деган, фикр мавжуд эди. Ушбу қарашларнинг асоссиз эканини филиал олимлари исботладилар. Ўзларининг тинимсиз изланишлари ва фидокорона меҳнатлари билан Б.А. Дўсчанов, Т.К. Худойқулов, М.Р. Мусаев, И.А. Қиличев, Р.Б. Абдуллаев, Г.О. Матназарова, Б.Н. Қурёзов, С.Р. Исмоилов, И.Қ. Абдуллаев, Қ.Ш. Шукруллаев, Ш.Б. Дўсчанов каби фан номзодлари филиалда ишлаб туриб, докторлик диссертацияларини ёқладилар.

2017 йил 27 январда Хоразм вилоятига қилган сафари вақтида Президент Ш.М. Мирзиёев филиал жамоаси ишлари билан танишди. “Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида 1100 яқин талабалар тахсил олади. Мавжуд 16 кафедраларда 161 профессор-ўқитувчилар ишлайди. Филиал базасида И. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург тиббиёт университети билан ҳамкорликда клиника очилади. Клиникада эндокринология, отоларингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари ташкил этилади. Университет мутахассислари бу ерда талабаларни ўқитиш билан бир қаторда беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш ишларини олиб борадилар. Ушбу тизим бўлғуси шифокорларни ўқитиш жараёнида билимларни чуқур ўргатиш ва жаҳон тиббиётининг замонавий усулларини эгаллашларига ёрдам беради” [15], деди давлат раҳбари. 2017-2018 ўқув йилидан филиалда тиббий-профилактика мутахассислари тайёрлаш ҳам бошланди.

Республикада энг кекса ўқув даргоҳларидан бири — Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳисобланади. 2016 йилда ўқув юртида даволаш иши, педиатрия иши, тиббиёт педагогикаси, олий ҳамширалик иши, шифокорлар малакасини ошириш факультетлари мавжуд бўлиб, 2712 нафар талаба тахсил оларди ва охириги 4 йилда 1149 УАШ тайёрланди. Мавжуд 45 та кафедраларда 576 профессор-ўқитувчилар ишлаб, уларнинг 67 нафари фан доктори ва 291 нафари фан номзодлари эди. Ҳар йили 1500 дан ортиқ ходимлар ўз малакасини оширарди.

Ўқув-тарбиявий жараёнлар илмий-тадқиқот ишлари билан узвий равишда олиб борилди. Ходимлар охириги 5 йилда 2441 та илмий мақолалар, 9 монография, 5 та дарслик, 49 та ўқув қўлланмалари, 274 та ўқув-услубий тавсияномалар, 11 та илмий ишлар тўплами нашр қилиниб,

8 та докторлик ва 51 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилган. [7].

Институтининг клиник базасида 415 та ўрин бўлиб, 30 та тиббиёт йўналишлари бўйича ҳар йили 15 минг беморларга стационар ва 40 мингдан ортиқ беморларга амбулатория хизмати кўрсатиларди [7]. Институт жамоаси клиник ординаторлар ва магистрларни тайёрлаш жараёнида фаол қатнашиб келди. Чет эллардаги нуфузли марказлар билан алоқалар ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида Андижон давлат тиббиёт институти жамоаси 5000 дан ортиқ юқори малакали шифокорларни тайёрлади. 2016 йилга келиб даволаш факультетида 1295 нафар, педиатрия факультетида 1210 нафар, тиббиёт педагогикаси факультетида 46 нафар, олий ҳамширалик факультетида 50 та талаба тахсил олмақда эди. Ўқув рўстининг талабалари Россия ва Голландиянинг етакчи институтларида клиник ординатура бўйича тахсил олишди.

Истиқлол йилларида институтда 51 нафар тиббиёт фанлари доктори, 104 нафар тиббиёт фанлари номзодлари тайёрланди. Шу билан бир қаторда институт олимлари 38 та монография, 4 та дарслик, 487 та ўқув-услубий қўлланма, 6185 мақола, нашр қилдиришди ҳамда 84 та тадқиқот, 776 та рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқишди ва уларни амалиётга жорий этдилар [1].

Институт клиникаси 700 ўринли бўлиб, замонавий диагностика жиҳозлари билан таъмирланган эди. Малакали шифокорлар бутун Фарғона водийси аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатарди. Институт олимлари Англия, Дания, Голландия, Исроил, Австрия, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон каби ҳорижий мамлакатлар ва МДХ давлатларининг етакчи институтлари билан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва даволаш ишларини олиб боради.

Бухоро давлат тиббиёт институти 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, унда даволаш иши, стоматология ва тиббий-педагогика йўналишлари бор эди. 2017 йил бошида институтда 1924 талаба, етти йўналиш бўйича 49 магистр, қирқ икки йўналиш бўйича 277 клиник ординатор тахсил олди. Ҳар йили ўртача 260 нафар абитуриент қабул қилинди [11]. Институт учун 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси ва 200 ўринли таркибий-функционал бўлимлардан ташкил топган клиника қурилиши амалга оширилмоқда эди. Институтда 231 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритди. Уларнинг 17 нафари фан доктори ва 56 нафари фан номзодлари даражасига эга эдилар. Илмий салоҳият 45% га тенг бўлган. [2]. Институт жамоаси Австрия, Нидерландия, Корея, Япония, Франция, АҚШ, Англия, Эстония, Қирғизистон, Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон каби МДХ ва хориж мамлакатлар билан алоқалар ўрнатган.

Республикада “Педиатрия иши” таълими бўйича ўқув-услубий, илмий фаолиятнинг асосий ва профессионал таълимни амалга оширувчи давлат олий ўқув муассасаси — Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳисобланади. 2016 йилда институтдаги 4 та таълим йўналишида 4100 талаба ўқирди. Шунингдек, МДХ давлатларидан 9 нафар, хориж мамлакатлардан 35 та фуқаро тахсил оларди. Магистратурага 26 та йўналишлар бўйича 367 нафар бакалавр қабул қилинган. Мавжуд 39 та кафедраларда 520 та ходим ишлаётган бўлиб, улардан 71 нафари фан доктори ва профессорлар, 249 нафари фан номзодлари ва доцентлар эди [10].

Институтнинг асосий клиник базаси 325 ўринли бўлиб, бу ерда болаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. ТошПТИда 1999 йилда “Умумий амалиёт враччи” дастури доирасида ҚВПларидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича марказ ташкил этилди. Марказ фаолиятининг биринчи йилида педиатрия бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратилиб, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва

Самарқанд вилоятларидан 589 нафар врачларнинг малакаси оширилди. Институт жамоаси Сирдарё вилоятидаги 25 та қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш бўйича амалий услубий кўмак бериб келарди.

1992 йилда ТошПТИ Нукус бўлими очилганда унда биргина йўналишда 100 талаба ўқишни бошлаганди. Филиал 1995-1998 йилларда Қорақалпоқ давлат университети таркибда фаолият кўрсатди. 1998 йилнинг 3 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 239-сонли қарори билан бўлим ТошПТИнинг Нукус филиали номи билан қайта ташкил этилди. 2004 йилга келиб, 5 та йўналишда 1500 ўғил-қизлар таълим олдилар. Уларга сабоқ бераётган 121 профессор-ўқитувчилар таркибда 2 нафар фан доктори ва 11 нафар фан номзодлари бор эди [4].

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида филиал 500 талабага мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтди. Уни тиклашга 6 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. Янги бинога яхши жиҳозланган ўқув хоналари ва конференция зали билан бир қаторда ахборот ресурс маркази ва спорт мажмуаси жойлаштирилган. “Мустақиллик йилларида филиал 3 мингдан ортиқ УАШ ва 500 га яқин клиник ординаторларни тайёрлади, — деди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Роза Наримбетова. — Замонавий жиҳозланган ўқув-клиник лабораториялари мавжуд, бемор болаларни даволаш ва профилактика қилишнинг илғор усулларини талабаларга ўргатиш имкониятини берадиган бино бизнинг жамоага катта совға бўлди” [4].

Тиббиёт институтларида таълимнинг модернизация қилиниши уларда ўқишни хоҳловчилар сонини, шу жумладан чет эл талабаларининг қизиқишини оширди. Масалан, ТошПТИ Жанубий Кореянинг Самсунг, Ёнсей, Сеул университетлари каби етакчи олий ўқув юртлари билан алоқаларни ўрнатиши сабабли, ўзбекистонлик 100 дан ортиқ мутахассислар ўз билимини ошириб келишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида “Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида юқори таълим берилмаётгани корея тиббиёт университетлари талабаларининг институтида ўқиш истагини оширди, — дейилади Осиё департаменти профессори Ким Бон Сунинг 2013 йил 21 январда “World Daily” газетасида босилган мақола-сида. — Ўзбек тиббиёт таълимининг ноёб тажрибаси шундаки, юқори малакали ўқитувчилар кичик гуруҳлардаги талабаларни “бемор тўшагида ўқитишади” [12].

2007 йилдан Корея университетларини тугатган 30 нафар бакалаврлар ТошПТИда янги 4 йиллик таълимни бошладилар. Институт ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган махсус модул дастурлар асосида тайёрланган хориж талабаларидан 3 таси 2012 йилда ўқишни якунладилар. Уларнинг дипломлари чет элда тан олинди ва давлат тест имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ёшлар врачлик лицензиясини қўлга киритдилар. Бу жуда катта ютуқ эди. Чунки, Корея университетларини тугатганларнинг биринчи йили фақат 20-30% давлат тест имтиҳонларини яхши топширадилар.

2014 йил 22 июлда Ўзбекистон Президенти “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида” қарорни имзолади. Янги ўқув юрти Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети негизида ташкил этилиб, унга академиянинг 3-чи клиникаси берилди. Институт қошида стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий маркази ишлаб турарди. Институтда болалар стоматологияси, хирургик ва терапевтик стоматология каби 3 та факультет бўлиб, унинг Андижон, Самарқанд ва Бухоро тиббиёт институтлари қошида филиаллари ҳамда ТошПТИнинг Нукус филиалида бўлими очилди.

2016 йил 21 ноябрда Президент “Стоматология соҳасида тиббиёт мутахассисларини тайёрлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида” ПП-2659-сонли янги қарор

қабул қилди. Ушбу ҳужжатга асосан институтнинг жойлардаги филиаллари тугатилиб, улар маҳаллий ўқув юртларининг стоматология факультетларига айлантирилди [9].

Тошкент тиббиёт академияси — мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими учун етакчи ва таянч ўқув юрти ҳисобланади. Академияда 2017 йилда бакалаврият йўналишида 3200 талаба таҳсил оларди. Магистратурада 44 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланди. Ўқишни 800 ортиқ йигит-қизлар тугатиб, улардан 567 таси умумий амалиёт шифокорлари эди [3]. Шу муносабат билан, 2017 йил февралда пойтахтдаги “Туркистон” саройида академияни битирувчи талабалар ва уларнинг устозлари тўпланди. Академия ректори, профессор Л.Н. Тўйчиев ва бошқа сўзга чиққанлар мамлакатда амалга оширилаётган ишларда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг алоҳида нуфузли ўрни борлиги ва унда ёш мутахассисларнинг ҳам Ватанга ситқидилдан хизмат қилишлари зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Тадбир қатнашчилари Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 5 ва 7 январда тиббиёт соҳаси маъсул раҳбарлари билан мулоқотда қўйган вазифаларни бажариш йўлларини муҳокама қилдилар.

2017 йил 6 майда Президент Ш.М. Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълимни янада ислоҳ қилишнинг тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади [6]. Ҳужжатда тиббий таълим тизимини босқична-босқич қайта шакллантириш, ўқиш ва амалиётни юқори поғонага кўтариш, мутахассисларнинг жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаш вазифалари белгиланган. 2017-2018 ўқув йилидан даволаш ва педиатрия иши мутахассисларни тайёрлаш 6 йил, тиббий-биология иши — 4 йил, тиббий-профилактика иши эса — 5 йил қилиб белгиланди. Умумий таълимда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокада ўқитиладиган фанлар ҳажми 7 % туширилган бир вақтда клиник фанларга ажратиладиган соатлар 85% ташкил этиши лозим эди [8].

Президентнинг 2017 йил 5 майдаги “2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари-га қабул тўғрисида” қарорига биноан мақсадли қабул жорий қилинди. Эндиликда давлат грантлари асосида янги қабул қилинадиган талабалар сони Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг буюртмасига биноан амалга ошириладиган бўлди.

Жаҳон тажрибаси асосида Ўзбекистонда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш тизими яратилган ва такомиллашиб бормоқда. Тошкент тиббиёт академиясининг “Олий ҳамширалик иши” факультети ва бошқа тиббиёт институтларида 3,5 мингдан ортиқ анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менеджмент йўналишлари бўйича бакалавр-ҳамширалар тайёрланди. 100 нафардан ортиқ ҳамширалар магистр даражасини олдилар. Улар тиббиёт муассасаларида бош ва етакчи ҳамшира, тиббиёт институтлари ва коллежларда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатдилар.

Юқорида қайд қилинган маълумотлар соғлиқни сақлаш тизими учун малакали кадрларни тайёрлаш доимий диққат марказида турган вазифалардан бири бўлганлиги кўрсатади. Олий тиббиёт ўқув юртларининг сони ошиши билан уларнинг моддий-техника базаси ва ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланди. Таълим соҳасига янги инновацион технологияларнинг киритилиши, ахборот ресурсларининг бойитилиши, ўқув жараёнининг амалиётга бевосита боғланиши натижасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишлари яхши самара бера бошлади. Қисқа вақтда бакалаврлардан умумий амалиёт шифокорлари ва магистрлардан тор касбдаги мутахассислар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Олий таълим билан бир вақтда ўрта махсус таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

оширилди. Олий тоифали ҳамширалар ва магистрлар тайёрлана бошланди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Андижон давлат тиббиёт институти // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz).
2. Бухоро давлат тиббиёт институти // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz).
3. Бўлғуси шифокорлар билан мулоқот // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 2017, 17 февраль.
4. Институт биносининг янги қиёфаси // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 30 август 2014 й.
5. Маҳмудов М. Хоразмда шифокорлар тайёрлаш маркази. — Урганч, 2015. – Б. 33-35.
6. Президент тиббий таълимни ислоҳ қилиш ҳақидаги қарорни имзолади // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz). 2017, 10 май.
7. Самарқанд давлат тиббиёт институти // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz).
8. Санаев Ф. Тиббий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинади // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz). 2017, 29 июнь.
9. Стоматологлар тайёрлаш яхшиланади // [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz). 2016, 28 ноябрь.
10. Тошкент педиатрия тиббиёт институти // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz).
11. Шавкат Мирзиёев Бухородаги тиббиёт институтига қандай баҳо берди? // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
12. Халқ билан мулоқот:— инсон манфаатларини таъминлашда энг самарали усули // [www.Press-service.uz](http://www.Press-service.uz).

13. Ўзбекистонда олий тиббий таълим:— такомиллашиш ва юқори натижаларга интилиш // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

14. Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ривожланиши: ютуқ ва муаммолар. — Тошкент, 2013. – Б. 15.

15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистик маълумотлари 2011 йил // [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz).

### ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Маҳмудова М.М.

*Ўзбекистонда олий маълумотли тиббиёт ходимларининг янги авлодлари соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Уларни тайёрлаш Тошкент тиббиёт академиясида ва мамлакатнинг 6 та олий ўқув йуртларида амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида олий маълумотли шифокорлар, магистрлар, ҳамширалар тайёрлашга катта эътибор берилди. Кўплаб ёш шифокорлар хорижда амалиёт ўташди. Иккинчи даражали тиббий малакали ходимларни касб-хунар коллежлари тайёрлайди. Калит сўзлар: академия, институт, колледж, бакалавр, магистр, фан номзоди, фан доктори, умумий амалиёт шифокори, клиник ординатура, олий малакали ҳамширалар ва ҳ.к*

